

6-10-2019

## FICTION AND LANGUAGE MEANS IN THE WORKS OF MARK TWAIN AND THEIR INFLUENCE TO THE UZBEK CHILDREN'S LITERATURE

Bahrom Tolibjonov  
*Namangan state university Teacher*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Tolibjonov, Bahrom (2019) "FICTION AND LANGUAGE MEANS IN THE WORKS OF MARK TWAIN AND THEIR INFLUENCE TO THE UZBEK CHILDREN'S LITERATURE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 2 , Article 186.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/186>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## FICTION AND LANGUAGE MEANS IN THE WORKS OF MARK TWAIN AND THEIR INFLUENCE TO THE UZBEK CHILDREN'S LITERATURE

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

**МАРК ТВЕН АСАРЛАРИДА БАДИИЙ ТИЛ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИГА ТАЪСИРИ**

Толибжанов Бахромжон Махмудханович

Наманган давлат университети

Ўқитувчи

***Аннотация:** Мақолада асарлар таржимаси халқларининг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаши, бир халқ томонидан яратилган маданий меросни иккинчи халққа таништириши ҳақида фикр юритилган. Унда М.Твен асарлари матни тилини ўзбек тилидаги таржимаси билан қийёсланган, ҳамда таржимадаги ютуқ ва баъзи бир номутаносибликлар кўрсатиб берилган. Шунингдек, ўзбек адабиётидаги бадий воқеалик таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** давр руҳи, давр нафаси, даврнинг адабий тили тушунчаси, турли-иборалар, гаплар, қочиримлар, сўз ўйинлари, кенг кўламли фикрлаш*

**ХУДОЖЕСТВЕННО-ЯЗЫКОВЫЕ СРЕДСТВА В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ  
МАРКА ТВЕНА И ИХ ВЛИЯНИЕ НА УЗБЕКСКУЮ ДЕТСКУЮ ЛИТЕРАТУРУ**

Толибжанов Бахромжон Махмудханович

Наманганский государственный университет

Преподаватель

***Аннотация:** В статье обсуждается связь между переводом народных артефактов и внедрением общегосударственного культурного наследия. В нём даны работы М.Твена, которые сравниваются с переводом текста на узбекский язык, а также показаны достижения в переводе и некоторые расхождения. Также произведен художественный анализ узбекской литературы.*

***Ключевые слова:** Дух эпохи, мгновение эры, понятие литературного языка эры, разные выражения, предложения, игры слов, масштабное мышление*

**FICTION AND LANGUAGE MEANS IN THE WORKS OF MARK TWAIN AND  
THEIR INFLUENCE TO THE UZBEK CHILDREN'S LITERATURE**

Tolibjanov Bahrom Maxmudxanovich

Namangan state university

Teacher

***Abstract:** The article discusses the relationship between the transfer of folk artifacts and the introduction of national cultural heritage. It contains the works of M. Twain, which are compared with the translation of the text into Uzbek language, as well as achievements in translation and some discrepancies. Also, the fiction similarity has been analyzed in Uzbek literature.*

*Keywords: the spirit of the era, instant of the era, the concept of the literary language of the period, different expressions, sentences, word games, inclusive thinking*

Маълумки, тил алоқа қуроли, адабиётда эса у ифода воситаси. Шундай экан, тил ёзувчи фикрини англантишда асосий омил бўлиши керак. Аслиятни қандай лисоний услуб билан таржима қилиш бу таржимоннинг услубига боғлиқ. Бадиий асар ҳар хил услубда, турлича маромда ёзилган бўлиши мумкин. Бунда кўп нарса асарда тасвирланаётган давр, танланган мавзу, воқеаларнинг характериға боғлиқ.

Ҳар бир бадиий асар муайян бир даврда бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлайди. Чунончи, тарихий мавзуда ёзилган асар ҳозирги замон китобхонини халқ ҳаётининг тарихи билан таништиради, уни ўтмишга етаклайди. Таржимада давр руҳи, давр нафаси, даврнинг адабий тили тушунчаси билан боғлиқ етакчи майлларни акс эттириш жиддий мураккаб ва комплексдир. У шунинг учун ҳам комплекс характерга эгаки, бу ерда масалани фақат бир давр, муайян ёзувчининг ижодидан қилинган таржималар, бир таржимон қўллаган тажриба, ва ниҳоят, алоҳида олинган бир адабий жанр доирасида қилинган таржималар билан чегараланган ҳолда таҳлил қилиб бўлмайди.

Бадиий асар тилининг юқорида қайд этилган хусусиятлари унда кўпгина тил воситаларининг ишлатилиши натижасида юзага келади. Таржимон ана шу воситаларни ўрганади ва уларни мукаммаллаштиради, айрим ҳолларда янги тил воситаларини кашф этиб, халқ тилини бойитади.

Ўқувчилар ва баъзи адабиётшунослар орасида, бадиий адабиётнинг алоҳида тили бор, деган фикр юради. Бу нотўғри. Бадиий адабиётнинг халқ тилидан ажралиб турувчи алоҳида тили бўлиши мумкин эмас. Агар шундай бўлган тақдирда, бадиий адабиёт кенг омма томонидан тушунилмас эди. Бадиий адабиётнинг алоҳида тили бор, деган фикр бадиий тилнинг ўзига хос хусусиятларининг аҳамиятини хаддан ошириб баҳолаш натижасида келиб чиққан. Ёзувчи халқ тилининг бой хазинасидан истаганича материал олади. Асарнинг бадиий тўқимасида юзларча мақоллар, махсус ифодалар, турли-иборалар, гаплар, қочиримлар, сўз ўйинлари товланади. Ана шулар тилни жонли, образли бир тилга айлантиради. Бадиий асар тилини жонли ва образли қиладиган воситалар бадиий тил воситалари деб аталади. Баъзан муаллиф воқеани бамайлихотир, жиддий ҳолда ҳикоя қиладиган-ю, аммо сўзларнинг асл маъносига қарама-қарши маънода қўллаб, бирор киши ёки ҳодиса устидан кесатиқ билан, масхаромуз ва яширин кулади.

Америка ёзувчиси Марк Твен асарларидек ўзбек тилига кўп таржима қилинган асарлар йўқ. XX асрнинг 1939, 1940, 1948 йилларида унинг "Том Сойернинг бошидан кечирганлари", 1947 ва 1960 йилларда мазкур асарларнинг давоми "Геклберри Финнинг бошидан кечирганлари", 1962 йилда "Шахзода ва гадо", 1959 йилда "Ҳикоя ва памфлетлар" тўплами, 1963 йилда "Эзма Бесси" ҳикоялар

тўплами, 1966 йилда “Жанна Дарк” тарихий романи ва бошқа асарлари ўзбек тилига таржима қилинди.

Адабий таҳаллуси Марк Твен бўлган Сэмюэль Ленгхорн Клеменс Америка демократик адабиётининг йирик вакили, ўз замонаси буржуа жамияти иллатларини фош этган сатирик ва реалист ёзувчидир. Сэмюэль бўлажак Марк Твеннинг болалар учун яратган бетакрор хажвий памфлетлари, саргузашт асарлари ва новеллалари жахонинг кўплаб тилларига бир неча бор қайта таржима қилинган десак муболаға бўлмайди.

Капиталистик тузумнинг халқ бошига не кулфатлар солганини тасвирлаш ёзувчининг ғоявий позициядан, халқ манфаатлари позициясидан яқинлашганини кўрсатадики, бу Марк Твен индивидуал бадиий услуби ва, албатта, *реализмининг* тавсифи учун жуда муҳимдир.

*Реализм* доимо илғор, гуманистик ва демократик ижтимоий фикр билан чамбарчас ривож топади. Реалистик асарларда воқеаларни ҳаққоний тасвирлаш эса деталларнинг ҳаққонийлигидан бошланади, чунки ҳаётни образлар орқали, конкрет тасвирлаши лозим бўлган адабиётда, санъатда бир бутуннинг ажралмас қисми ва ўша бутуннинг типик хусусиятларини ўзида акс эттириши лозим бўлган деталлар алоҳида аҳамиятга эга. Адабий асарда деталларнинг ҳаққоний бўлиши образларнинг, характерларнинг ва бутун ҳаёт манзараларнинг ҳаққоний бўлишини таъмин этади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Марк Твен асарларининг халқ орасида машҳур бўлишининг асл сабаблари унинг реал воқеаларни реал тасвирлашида, деб айтиш мумкин. Зеро, халқ бу асарларни ўқир экан унда ўзини, ўз ҳаётини, фарзандлари ва уларнинг аянчли турмушини кўради. Бу жиҳатдан Марк Твен ҳикоялари ўша давр жамиятининг асл қиёфасини кўрсатиб берувчи кўзгу вазифасини ўтайди.

Марк Твен асарларини ўқиган ҳар бир китобхон ўзининг миллати ва тилидан қатъий назар бу ёзувчининг маҳоратига тан бермай иложи йўқ. Ёзувчи асарлари юртимизда ҳам бир неча шоир, ёзувчи ҳамда таржимонлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Марк Твеннинг ноёб асарларидан бўлмиш “Том Соьернинг бошидан кечирганлари”, ҳамда “Теклеберри Финнинг бошидан кечирганлари” каби саргузашт асарлари бутун дунё болалар адабиётига ҳамда ҳозирги кун болалар адабиётига ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Ушбу саргузашт асарларидаги юмор ҳар қандай китобхонни ўзига ром этади. Таъкидлаш керакки, Марк Твен ва Ғафур Ғулوم, гарчи турли вақтда, турли жойда яшашган бўлсалар ҳам уларнинг асарларидаги баъзи тафсилотлар ўртасида бадиий муштараклик борлигини қўйида келтирилган мисолда кўришимиз мумкин.

Марк Твеннинг Геклеберри Финнинг бошидан кечирганлари” асаридан қуйидаги парчани келтирамиз:

And here was Auntie pegging away at the questions, and me a-shaking all over and ready to sink down in my tracks I was that scared; and the place getting hotter and hotter, and the butter beginning to melt and run down my neck and behind my ears; and pretty soon, when one of them says, "TM for going and getting in the cabin FIRST and right NOW, and catching them when they come," I most dropped; and a streak of butter come a-trickling down my forehead, and Aunt Sally she see it, and turns white as a sheet, and says: "For the land's sake, what IS the matter with the child? *He's got the brain-fever as shore as you're born, and they're oozing out!*"

And everybody runs to see, and she snatches off my hat, and out comes the bread and what was left of the butter, and she grabbed me, and hugged me, and says: [1]

**Мазмуни:**

“Салли холанинг мендан нукул гап сўрайверганини айтмайсизми! Ўзим кўрқиб кетганимдан дир-дир титраб ўтирибман, уйнинг ичи тобора исиб, шляпам тагидаги мой эриб, бўйинларимдан ва чеккаларимдан оқиб туша бошлади; фермерлардан бири: “Ҳозирнинг ўзида бостирмага кириб,ўша ерда пойлаб ўтириш керак, улар келиши билан тутиб олиш керак” -деган эди, ўтирган еримдан йиқилиб тушишимга сал қолди :бунинг устига мой пешонамдан ҳам оқиб туша бошлади. Салли хола буни кўриб қолиб оппоқ оқариб кетди-да:

– Ё худойм! Болага нима бўлди-я ? *Мияси яллигланганга ўхшайди, қаранглар, мияси оқиб тушяпти!* – деди” [2, 293].

Ғафур Ғулумнинг “Шум бола” асаридаги мана бу парча ўзининг воқеалар ривожини билан Марк Твен воқеаларига ҳамоҳанг тушади:

“Ноилож қолдим, тухумни қалпоқчамга солиб, кийиб олдимда, ошхонага кирдим. Онам мени тергай бошлади. Мен жимгина кулоқ солиб, ўчоқнинг ёнига чўққайиб, ўт қалаштирмоққа бошладим. Мен билмаган эканман. Ўтнинг тафтига липпамдаги ёғ эриб, почамдан оқмоқда экан. Ойим қўлидаги хамир ёйиб ўтирган ўқлов билан бошимга астагина урди. Ойим бошимга ўқлов билан урганда қалпоқ тагида бўлган тухум пачақланган эди. Унинг сариғи оқига аралашиб, чаккамдан сирқиб, юзимга оқмоқда эди. Ойим: “Бола бечоранинг бошини ёриб, қатигини чиқариб юбордимми”, деб эси чиқиб кетган эди” [3, 12].

Ўзбек мисоллардан кўринадикки Марк Твен асаридаги бош қахрамон ер тўладан мой билан нонни ўғирлаб ўгай холасига ушланиб қолиб шляпаси остига яшириши ва иссиқ хонада эриб пешонасидан оқиб тушгани, ҳамда Ғофур Ғулум асаридаги бош қахрамон Шум болани ойисидан ўғирлаган ёғи ҳам иссиқда эриб кетиши ва тухум пачоқланиб чаккасидан оқиб тушганида ҳар икков аёл болани миясини оқиб тушяпти деб ўйлаши, ушбу асарлардаги икки ёзувчиларнинг услубларида бадиий ўхшашлик борлигини англашимиз мумкин. Бу албатта, болалар адабиётининг ўзига ҳос жиҳатларидан биридир. Зеро, ҳар қайси даврда ва ҳар қайси худудда болаларнинг қизиқарли саргузаштлари бир-бирига ўхшаш ва бир-бирини такрорловчи бўлади.

Бир қарашда бадиий кўчирма каби туюлган бу эпизод аслида икки буюк ижодкорнинг бир-биридан ижодий руҳ олишидир. Жаҳон адабиёти намуналаридан илхомланган буюк ўзбек адиби чин маънодаги қахрамон ярата олган.

Хулоса қилиш мумкинки, бадиий адабиёт турли миллат ва халқлар маданияти ва адабиёти муштарақлигида яшайди ва ривожланади. Марк Твен ва Фафур Ғулом асарларидаги воқеавий ва бадиий муштарақлик бу икки Америка ва ўзбек халқининг маданий муштарақликка эга эканлигидан далолатдир.

#### **References:**

1. Mark Twain (Samuel Clemens) The Adventures of Huckleberry Finn. August 20, 2006 [www.gutenberg.net](http://www.gutenberg.net)
2. Odil Raʼimiy “Gekleberri Finning boshidan kechirganlari”. – Toshkent , 1955 y. 293 bet
3. Fofur Ғулом “SHum bola”. –Toshkent. “Ўзбекистон”. 1992y 12-bet